

ЛЕНИН: СИЗ ТЎҒРИ ЙЎЛДАН БОРМОҚДАСИЗ, ЎРТОҚЛАР! СОВЕТ КОСМОНАВТЛАРИНИНГ ЖАСОРАТИГА ЖАҲОН ҚОЙИЛ!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ИЛ ЧИҚИШИ

№ 14 (4005)

21

ЯНВАРЬ

СЕШАНБА

1969 ЙИЛ

Баҳоси 3 тийин.

МИСЛСИЗ ЖАСОРАТ

КОСМОНАВТЛАР БОШҚАРГАН «СОЮЗ-4» ВА «СОЮЗ-5» КОСМИК КЕМАЛАРИНИ ТАЙЕРЛАШДА, УЧИРИШДА ВА ТУТАШТИРИШНИ ҲАМДА ОРБИТА БУЙЛАБ УЧГАН ВАҚТДА ИККИ КОСМОНАВТНИНГ ЖАҲОНДА БИРИНЧИ МАРТА БИР КЕМАДАН ИККИНЧИ КЕМАГА УТИШНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚАТНАШГАН ОЛИМЛАР ВА КОНСТРУКТОРЛАР, ИНЖЕНЕРЛАР, ТЕХНИКЛАР ВА ИШЧИЛАРГА, БАРЧА КОЛЛЕКТИВЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРГА

СОВЕТ КОСМОНАВТЛАРИ ВЛАДИМИР АЛЕКСАНДРОВИЧ ШАТАЛОВ, БОРИС ВАЛЕНТИНОВИЧ ВОЛИНОВ, ЕВГЕНИЙ ВАСИЛЬЕВИЧ ХРУНОВ ВА АЛЕКСЕЙ СТАНИСЛАВОВИЧ ЕЛИСЕЕВ ЎРТОҚЛАРГА.

А.из ўртоқлар!

1969 йилнинг бошланиши космик фазони забт этиш ишида совет фани ва техникасининг янги жуда катта муваффақияти билан нишонланди. Планеталараро «Венера-5» ва «Венера-6» автомат станцияларини учуриш амалга оширилгандан кейин тўрт совет космонавтининг «Союз» кемаларида қилган ажойиб парвози муваффақиятли тугалланди.

Космонавтлар В. А. Шаталов билан Б. В. Волинов бошқарган «Союз-4» ва «Союз-5» космик кемалари орбита бўйлаб учини вақтида бир-бирини қидириш, кўп марта маневр қилиш, ёндошиш ва туташтириш ишини амалга оширдилар. Кемалар маҳкам туташгандан кейин Е. В. Хрунов ва А. С. Елисеев ҳаётни таъминлайдиган мустақил системалари бўлган скафандрларда космик фазо орқали «Союз-5» кемасидан «Союз-4» кемасига ўтдилар. Сўнгра кемалар бир-биридан ажратиб юборилди ва парвоз тугатгандан кейин Ердаги белгиланган районларга қайтариб туширилди.

Бутун парвоз давомида кемаларнинг аппаратлари ва системалари яхши ишлади. Бу эса илмий-техника тадқиқотлари ва экспериментлар ўтказиш программасининг муваффақиятли бажарилишини таъминлади.

Кемаларнинг қаҳрамон экипажлари барча топшириқларни тўла бажардилар.

Жаҳонда биринчи марта космик фазода бажарилган бу эксперимент космонавтлар бошқарадиган парвозлар-

ни янада ривожлантириш ҳамда кейинчалик кўпгина илмий ва халқ ҳўжалик вазифаларини ҳал қилиш имконини берадиган орбитал станциялар вужудга келтириш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети космик парвозни муваффақиятли амалга оширганлигини учун ҳамда мураккаб ва масъулиятли топшириқни бажарганлигини билан В. А. Шаталов, Б. В. Волинов, Е. В. Хрунов ва А. С. Елисеев, азиз ўртоқлар, Сизларни самимий қутлайдилар.

Космонавтлар бошқарган «Союз-4» ва «Союз-5» космик кемалари тайёрлашда, учуришда ва туташтиришда ҳамда икки космонавтининг жаҳонда биринчи марта орбитал парвоз вақтида бир кемадан иккинчи кемага ўтишини муваффақиятли амалга оширишда қатнашган олимлар, конструкторлар, инженерлар, техниклар ва ишчиларни, барча коллективлар ва ташкилотларни қутлаймиз.

Космосда янги йўллар очаётган совет космонавтларига шон-шарафлар!

Янги космик кемалар яратаётган совет олимлари, конструкторлари, инженерлари, техниклари ва ишчиларига шон-шарафлар!

Совет халқи барча ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

КПСС МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИ

СССР МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ

ТАСС АХБОРОТИ

«СОЮЗ-5» КОСМИК КЕМАСИНИНГ ПАРВОЗИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАНДИ

Космонавт-учувчи Б. В. Волинов бошқарган «Союз-5» космик кемаси белгиланган парвоз программасини муваффақиятли бажариб бўлгандан кейин 1969 йил 18 январь Москва вақти билан соат 11 да Совет Иттифоқининг белгиланган районида, Кустанейдан 200 километр ғарб-жанубда Ерға қўйди.

Космонавт ўзини яхши ҳис этмоқда.

Орбитадан тутишини амалга ошириш учун белгилаб қўйилган вақтда тормоз берувчи двигателъ установкиси ишга туширилди. Двигателъ ишлаб бўлгандан кейин космонавт Б. В. Волинов билан туширилаётган аппарат

орбитал бўлмадан ажралди. Атмосферада тормоз берилгандан кейин парашют системаси билан юмшоқ қўндирдиш двигателлари аппаратнинг равион пасайишини ва ҳисоблаб қўйилган районга қўнишини таъминлади.

Ерда космонавт Б. В. Волиновни қидириш группасининг авиалари, дўстлари, спорт комиссарлари ва журналистлар қутиб олдилар.

«Союз-5» космик кемасининг парвози муваффақиятли тугалланди.

«Союз-4» ва «Союз-5» кемаларида илмий тадқиқотлар ва тажрибалар олиб бориш программаси тўла бажарилди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА ССР ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

«Союз-4» ва «Союз-5» кемаларида космосга қилинган парвоз муваффақиятли тугалланганлиги муносабати билан самимий табрикларингиз учун чин қўнғилдан ташаккур изҳор қиламиз.

Космосга парвоз қилишмизда бизга кўрсатилган юксак нишон учун фарзандларча миннатдорчилик билдирамыз.

Космонавт учувчилар В. А. ШАТАЛОВ, Б. В. ВОЛИНОВ, Е. В. ХРУНОВ, А. С. ЕЛИСЕЕВ.
1969 йил, 18 январь. Космодром.

«Союз-4» ва «Союз-5»

космик кемаларининг экипажи. Космонавт-учувчилар Алексей Елисеев, Борис Волинов, Евгений Хрунов, Владимир Шаталов.

В. Базанов фотоси.



ВЛАДИМИР

ИЛЬИЧ

ЛЕНИН

Владимир Ильич

Лениннинг ғоялари аба-

дий барҳаёт, қилган

ишлари абадий барҳаёт

бўлгани каби, унинг

номи ҳам абадий бар-

ҳаётдир. У ўзининг

бутун ҳаётини проле-

тариятга, меҳнаткаш-

лар оmmasига, жаҳонни

революцион тарзда ян-

гилашга бағишлади.

(КПСС Марказий Комитетининг Владимир Ильич Ленин туғилган кунигунинг 100 йиллигига тайёргарлик тўғрисидаги қароридан).

В. И. Ленин 1919 йил 1-Май намоёниги вақтида Қизил майдонда. (ТАСС).

ТАСС АХБОРОТИ

КОСМОНАВТЛАР БОШҚАРГАН «СОЮЗ-4» ВА «СОЮЗ-5» КОСМИК КЕМАЛАРИ ПАРВОЗИНИНГ ПРОГРАММАСИ ТЎЛА БАЖАРИЛДИ

«Союз-4» ва «Союз-5» совет космик кемаларининг групп бўлиб қилган парвози муваффақиятли тугалланди.

«Союз-4» ва «Союз-5» космик кемалари 1969 йил 14-15 январда сунъий йўлдош орбитасига чиқаришнинг бундан олдин хабар қилинган эди. Старт комплекси равион ва пухта старт олди тайёргарлигини ва космик кемаларни учуриш таъминлади.

Учурувчи ракеталарини бошқариш системалари кемаларни ҳисоблаб қўйилган орбиталарга аниқ чиқариб қўйди.

Илмий-техника тадқиқотлари ва экспериментлар программаси тўла ҳажмида бажарилгандан кейин командирлар В. А. Шаталов, Б. В. Волинов, борт инженер А. С. Елисеев ва тадқиқотчи инженер Е. В. Хруновлардан иборат экипажлар тушган «Союз-4» космик кемаси 1969 йил 17 январда ва «Союз-5» космик кемаси 18 январда Ерға қайтиб тушди.

Космик кемаларнинг туширилаётган аппаратлари космонавтлар билан бирга белгилаб қўйилган қўниш районида қўниб қўйилди. Ерға қўнигандан кейин ҳам барча космонавтларнинг сўхат-саломадлиги яхши. Космонавт-учувчилар Шаталов, Волинов, Елисеев ва Хрунов ўртоқлар парвоздан кейинги медицина текширувидан ўттишлари учун космодромга олиб келинди.

«Союз-4» ва «Союз-5» космик кемалари Ер атрофи орбитаси бўйлаб уч сутка парвоз қилди. Групп бўлиб учини вақтида бир қанча ғоят муҳим илмий-техника тажрибалари амалга оширилди.

Ер сунъий йўлдош орбитасида билинган вужудга келтирилди ва ишлаб турди. Станция одам ишайдиган тўрт бўлмадан иборат бўлиб, бу бўлмалар илмий тадқиқотлар, кузатишлар ва тажриба ишларининг катта комплексини бажаришнинг таъминлади.

Бўлмалардаги микроклимат, параметрлари — босим, температура, атмосферанинг намлиги ва газ таркиби ердаги шароитга мос эди. Станциянинг бўлмалари ўртасида телефон алоқаси ўрнатилган эди.

Кемаларни туташтириш ва станцияни вужудга келтириш вақтида яқинлашиб, ёндошиш ва туташтириш системаси амалда текширилди ва ғоят пухта эканлигини кўрсатди. Инда одами бўлган космик станциянинг парвози вақтида бутун комплексни тўғрилаб қўйиш ва тўғрилаб қўйилган ҳолатда уни бақарор қилиш ишлари муваффақиятли ўтказилди.

Икки космонавт — тадқиқотчи инженер Хрунов билан борт инженер Елисеевнинг космик фазода чиққан ҳолда бир кемадан иккинчи кемага ўтиш жуда буюк эксперимент бўлди.

Космонавтлар Хрунов билан Елисеев махсус скафандрларда қарий бир соат давомида космик фазода бўлдилар. Улар оқик космосда бир қанча монтаж операцияларини, кино ва фотосуратга олиш каби ишларни бажардилар, илмий кузатиш ва тажриба ўтказдилар, шунингдек Ердан олиб чиқилган газета, телеграмма ва хатларни «Союз-4» кемасига етказиб беришди.

Регенерацион типдаги ҳаётни таъминлайдиган янги мустақил системага эга бўлган космик скафандрлар инсон организмнинг оқик космосда нормал ишлаши учун зарур шароитни яратиб берди.

Утиш жараёнида барча космонавтлар ўртасида ва Ердаги бошқариш пунктлари билан телевидение ҳамда радио орқали доимий, бақарор алоқа қилиниб турди.

Катта ҳажмида илмий тадқиқот, эксперимент ва кузатиш ишлари бажарилиди.

Жўлладан космик навигация принциплари тақомиллаштирилди, Ер юзининг характерли геология-география тузилишлари, Ернинг булутли ва қорли қатлами кузатилиди, Ер ва юлдузларнинг еркинлиги, циклонлар ва тўфонларни пайкаш тадқиқ қилинди. Космик парвоз шароитининг инсон организмига таъсирини таъминлади. Биология жихатдан тадқиқ қилиш кенг программа асосида амалга оширилди.

Бутун парвоз давомида космонавтларнинг соғлиги, муттасил медицина назорати остида бўлди.

Станция экипажининг аъзолари мураккаб тажрибасини бажарган вақтда олинган медицина телеметрия акборотларининг анализи, радио орқали гаплашиш шунингдек телевидение орқали кузатиш маълумотлари парвознинг ҳамма босқичларида космонавтлар юксак иш қобилиятига эга бўлганлигидан далолат бериб турибди.

«Союз-4» ва «Союз-5» космик кемалари билан радио орқали доимий бақарор алоқа қилиб турилди. Кемалардан мунтазам ревишда телевизион эшитиришлар ва репортажлар берилди. Тасвирларнинг сифати яхши бўлди.

Ердаги кузатиш пунктларини ва Фанлар академиясининг тадқиқот кемаларидан иборат бўлган команда — ўлчаш комплексининг воситаларини икки космик кемани аёнич бир вақтда бошқариш ва улар билан бақарор алоқа ўрнатиш таъминлади.

Олдиндан яхши уюштирилган ва бир мақсадга қаратиб тайёргарлик қўрилганлиги, шунингдек парвознинг барча элементлари ва операциялари бачча элементлари ўтказилганлиги тўғрисидаги таъминлади парвознинг ҳамма босқичларида парвоз топшириқларини муваффақиятли бажардилар ва аниқ ишладилар.

Қидириш-қутқариш комплекси космонавтларни тез топиш ва олиб кетиш таъминлади.

Парвознинг энг муҳим натижалари қуйидагилардан иборат:

— космик кемаларнинг маневр қилиш, қидириш, яқинлашиб, ёндошиш ва туташтириш муваффақиятли бажарилиши;

— орбитада икки одами бўлган экспериментал космик станциянинг вужудга келтирилиши;

— икки космонавтининг бир кемадан иккинчи кемага ўтиши амалга оширилган эксперимент. Бу эксперимент космосда юк ташиш, ремонт ва монтаж ишларини бажариш космонавтлар бошқарадиган орбитал станцияларнинг экипажларини алмаштириш ёки авария юз берган вақтда экипажларини бақариш шунинг операцияларини бажариш учун шарт-шароит яратиб беради.

Экспериментал космик станция алоҳида учган вақтда ва биргаликда учган вақтда космик кемалар борт системаларини, агрегатларини ва конструкцияларини элементларини комплекс текшириш ва синиб қўриш — қўллаб илмий-техника ва медицина-биология тадқиқотлари, кузатишлар ва экспериментлар ўтказиш.

«Союз-4» ва «Союз-5» космик кемалари парвозининг натижалари космик техникани янада тақомиллаштириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, келгусида космонавтлар бошқарадиган парвозларини оивоклантириш ҳамда илмий ва халқ ҳўжалик аҳамиятига эга бўлган бошқариладиган орбитал станциялар яратиш учун фойдаланилади.



ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

20 январда Тошкент шаҳар партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Т. Р. Расулов очди. Миллият ишлари тағин ҳам яхшилаш юзасидан Ўзбекистон пойтахти коммунистларининг вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окунский доклад қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г.

Ломоносов нутқ сўзлади. Йиғилиш ишида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. Абдураззоков иштирок этди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди. (ЎзТАГ).

М. С. КАЧУРИНОВ

А. ХАКИМОВ,
Узбекистон Коммунистик
партияси Марказий Комите-
ти хузуридаги партия тарихи
институтининг старший ил-
мий ходими.



C. B. TORRES

В. И. ЛЕНИН.


тирасини ҳурмат билан эста-
оддилар. Улар, револю-
ция қаҳрамонлари фидоно-
наро жағл қилган шш мамта-
қатимизда коммунизм таъна-
си учун курашгаган совет хал-
қининг шонли муваффақиятла-
рида аяламоқда.

Митингда Қизил байроқли
Туркистон ҳарбий округи қў-
шинларининг қўмондони, армия
генерали Н. Г. Липченко қат-
наш.

Таънадаги вазиетда 14 Тур-
кистон комиссари монументи
сувасига гулчамбарлар қўйла-
ди. Кафранов номли хийбондаги
қардошлар мазорига ҳам шу
қилин гуллар қўйлаги (ХАТАГ).

МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ
СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

(Давоми 5 бетда).



«БАҲОР» ПАХТАКОР-ЛАР МЕҲМОНИ

«Баҳор» давлат раёсатининг пахтакорлар ҳузурида бўлиб, кўнгли очар томошалар кўрсатиш айтилиши айланма қолган.

Куни кеча коллективнинг бир гуруҳи соғина ва рақосаларни ўрта Чирчиқ районидagi Ленин номидаги пахтакорлар меҳмони бўлишди. Қолхоз клубида кўрсатилган юнпертда Тамара Юнусова, Раънохон Нисомова, Валентина Романова, Муҳаббат Жонгозиёваларнинг шўх рақслари, Бахтиёр Алиев, Қасристон Давлатов, Бахтиёр Нурдодов, Раҳмон Акбарбековларнинг ижросидаги дираббо кўчалар олқилари билан қарши олинди.

Ҳ. ЖАМОЛИДДИНОВ.



ЧИМЕН шу кунларда тошкентликларнинг ҳузурида қилиб хориқ қиладиган масканига айланган. Ҳафтадан шанба ва якшанба дам олиш кунлари Чименинг қалин қор босган ёнбағирлари шаҳарликлар билан жуда гавжум бўлади. Улар бу ерда дам олиш кунларини мазмунли ўтказишади.

Е. А. БОВА ФОТОСИ.

ЯҚИНДА Тошкентнинг Шота Руставели кўчасида «Новик» номида янги кафе фойдаланишга топширилди. Юқоридаги суратда: янги кафенинг умумий кўриниши.

А. АБАЛИЯ ФОТОСИ.

ПАРИЖДАН МОНРЕАЛГАЧА

Ўзбекистон рассомларининг асарлари халқаро бадиий кўргазмаларда жуда кўп намоиш қилинган. Бундан 69 йил муқаддам ўзбекистоннинг дастлабки кўлочиликлари Париждаги халқаро кўргазмага олиб борилган эди.

Совет даврида эса республикамиз санъати намунаси сифатида суратлар, ҳайкалтарошлик, графика ва амалий санъат асарлари дунёнинг кўплаб шаҳарларини кезиб чиқди.

1924 йилда Алексей Юсуповнинг Самарқанд пейзажлари Нью-Йоркда намоиш қилинган эди. 1934 йили Филладелфиядаги кўргазма экспонатлари орасида Иван Казанов ижодига мансуб пейзажлар ва Самарқанднинг архитектура ёдгорликлари бўлган. Ана шу кўргазмада Урол Тансиқбоевнинг «Ўзбек портрети» ҳам бор эди.

Ўзбекистон амалий санъат асарлари 1937 йили Париждаги кўргазмада жонивиставкасида катта муваффақият қозongan. Француз пойтахтига ўша вақтда Ёкубжон Рауфовнинг жомламодор ёзувлари, Ота Полонскийнинг ўймакорлик асарлари ҳам олиб борилган бўлиб, улар кенг жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уйғотган.

Ўзбек рассомлари 1939 йилда Нью-Йоркда очилган халқаро виставкага ҳам ўз ишларини юборишган.

Хева фабрикасида ишлаган гилла ва полслар Лондон, София, Рио-де-Жанейро шаҳарларида бўлган кўргазмаларда машҳур бўлиб кетган.

Кейинги 20 йил мобайнида ўзбек санъати асарлари чет элларда жуда кўп марта кўрсатилди. Брюссел, Лейпциг, Монреаль, Делли, Прага, Будапешт халқаро виставкалари ўзбек амалий санъати графикаси ва тасвирий санъати тараққиётини жаҳонга намоиш этди.

Бу кўргазмаларда П. Беньковнинг «Хева қизин», У. Тансиқбоевнинг «Қайроққум ГЭСи», А. Абдуллаев ишлаган портретлар, Т. Тўхтақулов, Х. Раҳимов ва ўқинишчилари, суверенлар, И. Иброҳимовнинг Навоий пиркиси ас эгган график асарлари айниқса шухрат қозонди.

Улут Октябрь 50 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқ санъати намуналари Миланда намоиш қилинди. Ўзбек санъаткорлари асарлари қаерда кўрсатилмасин, улар гавжум йўналиш ва мақорат билан ишлаганини ту файли ҳаммаининг эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда.

О. АПУХТИН.

Реклама ВА Эълонлар ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Телевизионликлар. 18.15 — Мушунчалар нега ювинишди? (боллар учун фильм-эртал). 18.20 — Биринчи пойлафал фабрикасида репортаж. 18.40 — Хужжатли фильмлар. 19.25 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 19.30 — 10 минут музика. 19.40 — В. И. Ленин (хужжатли фильм). 21.00 — Телевизионликлар. 21.20 — Биз ишчи синфимиз («Лениннома» программаси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.55 дан — Москва кўрсатиши.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 дан — Олмалот телестудиясининг кўрсатишлари.

ТОШКЕНТ КўРСАТИШИ

Ўзбек тилида: 20.00 — Тикучиларнинг янги марралари. 22.20 — Кама — (хужжатли фильм). 22.40 — Ўрта Осиё ҳақи кўялари.

Рус тилида: 21.20 — Тренер (кинофильм). 21.40 — Ричард Ваверли процесси (телевизион бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОЙИ НОМИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 21/1 да Гулсара, 22/1 да Борис Годунов. МУЎНИНГ НОМИ ТЕАТРДА — 22/1 да Қизбулоқ.

КИНО

Тошдаги дoston (эрталаб соат 11, кундуз 2 ярим, кеч 8 яримда). Ана-ука Карамзаовлар (кеч 6-15 минутда) — САНЪАТ САРОИИ.

Жонсиз навуим (1 ва 2-серия) НАВОЙИ НОМИ (эрталаб соат 10 да), «НАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кеч учун).

Тягосгуна ариниси яна жангда — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кеч учун).

Санга (Ўзбек тилида) — НАВОЙИ НОМИ (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да).

МЕТАЛЛОФУРНИТУР ЗАВОДИГА

катта бухгалтер (бош. бухгалтер хушқў), бухгалтерлар, техник ва инженерлар, мастер навозиғаси неханкилар (металлик ишлаш бўйича), таъминот ва тарихи бўйича директор ўринбосари, катта инженер-диспетчер вазиғаси ва техник ёни инженер, таъминот бўлими бошлиғи, диспетчерлар, таъминот ва тарихи бўйича товаршунослар ва катта товаршунослар; металл қирғиш бўйича ва I ва II катгоридаги конструктор инженерлар, лаборатория мудири вазиғаси хиник; кичик сериали тармоқ слесарлари (хотин-қизлар), штампачилар (хотин-қизлар). 3-4 разрядли соловчилар (ишбага).

КЕРАК

Мурожат учун адрес: Тошкент шаҳар, Леваневский кўчаси.

«ЎЗБЕКИСТОН» КИНОСТУДИЯСИГА

хавфсизлик техникаси бўйича инженер, бош механик, мастер-сантехник, курувчи-техник, пайдалончилар, сантехниклар, аниқ аппаратура бўйича мастер, инженер-механиклар, пиротехник вазиғаси портлатувчилар, катта бухгалтер

КЕРАК

Мурожат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор кўчаси, 1-уй (14, 27, 29-автомобил, 7-тротуар) бенини «1-кўприк» бенини.

«УЗТАНСПЕЦСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ МОДИЯ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ КОНТОРАСИГА

пайдалончилар, ошбор мудири

КЕРАК

Мурожат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 10-уй.

МАХСУС КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОСИГА

етанчик инженер ва катта инженерлар вазиғаси инженер-конструкторлар, 1-4 разрядли тонарлар ва слесарлар

КЕРАК

Мурожат учун адрес: Тошкент шаҳар, Глинка кўчаси, 3-а уй (7 9 11-трамвайлар, 3, 18, 23-автомобилларнинг «Киров парки» бенини) Телефонлар 5-06-47, 5-15-03.

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИГА

бухгалтер, машинистналар

КЕРАК

Мурожат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 13-уй, 3-қават, 55-хона

Ўзбекистон Компартисы Марказий Комитети билан ишчи-хизматдорларнинг босма хонаси

Тошкент шаҳри

Р. 02567 ИНДЕКС — 6466 Б-2169.

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

МИСЛСИС ПАРВОЗ

СОФИЯ, 18 январь. ТАСС мухбири Д. Бочаров хабар беради:

«Работническо дело» газетаси Совет Иттифоқининг космосини забт этишда эришган янги муваффақиятга бағишланган мақола-сида бундай деб ёзди: 1969 йил 16 январь куни инсониятнинг космик фазосини эгаллаш учун олиб борган буюк кураши тарихда абдириқ қилди. Жаҳонда биринчи экспериментал космик станциясининг вужудга келтирилганлиги космик фанда, инсоннинг янги планеталарни забт этишга қаратилган дадил юришида янги босқич бошлаб беради.

Биз, болгарлар, деб давом этади газетда, бу жуда муҳим илмий ишни бизнинг жоманон биродарларимиз, энг яхши дўстларимиз, улут Совет Иттифоқининг гражданилари амалга оширганидигдан қузонамиз ва фахрланамиз.

Болгариянинг кўпгина корхоналарида меҳнатчиларнинг иштинги бўлиб ўтди. Софияда энг йирик бўлган «Электростар» заводининг коллективни Совет Иттифоқининг космосда эришган янги ғалабасини меҳнат муваффақиятлари билан ишониллаш манбурятини олди. Иштингдан кейин дастлабки куннинг ўзидан ух чех ишлаб чиқариш топшириқларини анча ошириб адо этди. Корхона коллективни КПСС Марказий Комитетига табриқнома юбориб, унда совет фанининг янги муваффақияти муносабати билан гомт кувонганини ва қойил қолганини ифода этди.

БЕЛГРАД, 18 январь. (ТАСС). «Союз-4» ва «Союз-5» совет космик кемаларининг зафарли парвози Югославия бутун матбуоти-нинг диққат марказида турибди.

Белградда чиқадиган «Вечерние новости» газетаси Ер орбитасидаги экспериментал космик станциянинг вужудга келтирилганлиги ва «Союз-4» кемаларининг Ерға муваффақиятли қайтиб келганини ҳақиқда хабар бериб, бундай деб ёзди: «Келгусидаги космик станцияларнинг экипажларини алмаштириш учун ёни космик кемаларнинг экипажларини муваффақиятли кутариш учун энди назарий ва амалий говлар йўқ эканлигини

«самовий монтажчилар» исбот қилдилар.

Газета яна қўйидагиларни ёзди: «Совет космонавтлари В. Шаталов, Б. Волинов, Е. Хрунов ва А. Елисеєвалар космосни ўзлаштириш йўлида инсон шижоатининг янги даврини очиб берган жасоратини амалга оширдилар». Совет космонавтлари минглаб одамлар, инженерлар ва ишчиларнинг зур ғайрати туфайли кўрсатган бу жасорат космосда янги йўللار очиб учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Юрий Гагарин 1961 йил 12 апрелда Ер атрофидан ўчиб ўтганида жаҳондаги кўпгина заветларининг биринчи саҳифаларида «инсон калотга эга бўлади» деган сўзлар пайдо бўлган эди. Ҳозир эса тўла асос билан инсон космосда уй қурди» деб айта оламиз.

НЬЮ-ЙОРК, 18 январь. (ТАСС). ЮПИ агентлиги «Союз-4» совет космик кемаси Совет Иттифоқининг белгилан қўйилган районида муваффақиятли равишда қўйилганлиги шарҳлаб бундай деб ёзди: «Неманинг гомт аниқ қўйилганлиги космик тадқиқотларнинг муҳим соҳаларида Совет Иттифоқининг биринчи ўринда бўлишини таъминлади. Уч кун давом этган тарихий парвоз вақтида бир кемадан иккинчи кемаларга «космонавтларнинг мислсиз космик сайр қилиши» амалга оширилди.

«Союз-4»нинг парвозлари одамларни Ойга ва планеталарга кўрсатиш учун Ер орбитасида космик станциялар вужудга келтиришда СССР нинг олға қараб жуда катта қадам қўйганлигини кўрсатиб турибди».

ЮПИ агентлиги яна бундай деб таъкидлади: Совет Иттифоқи бу соҳада АҚШдан анча ўнб кетди, чунки Америка олимлари ана шундай станцияни вужудга келтиришнинг энг навида 1971 йилга планлаштиришмоқдалар.

Агентлиги совет космонавтлари космосдан АҚШ халқига табриқнома йўлаганидаги ҳам эътиборини жалб этди.

«Крисчен Сайенс» монитори газетаси Москвадан олган хабарига бундай деб ёзди: кемаларнинг турташтирилиши ва космонавтлар-

нинг бир кемадан иккинчи кемаларга ўтиши ҳамда бунинг совет космондениси орнали кўрсатилганлиги «тўқинлаштирувчи воқеалар». «Совет космонавтлари космосда бир неча йил рекордлар қўйишди», — деб таъкидлайди газетда.

ВАШИНГТОН, 18 январь. (ТАСС). Вашингтон матбуоти «Союз-4» ва «Союз-5» совет кемаларининг космосдаги парвози тўғрисида бундай деб ёзди: «Космосда баъза учатган русларни куталаймиз». «Совет Иттифоқи кўшалоқ зафарга эришди», «Тарихий парвоз Совет Иттифоқи янги йўлга қалам келтирди».

Уч космонавт тушган «Союз-4» космик кемасининг Ерға қўйилганлиги «Иенинг стар» газетаси америкалик газетонларга бутун биринчи саҳифани эгаллаган ва йирик хавфларда терилган сарфлаш билан маълум қилди. Газетда босилган мақолада бундай дейилди: «Союз-4» ва «Союз-5» кемаларининг парвози космик фазосни ўзлаштириш соҳасида Совет Иттифоқи олға қараб жуда катта қадам қўйиш имконини берди».

Космонавтларнинг бир космик кемадан иккинчисига ўтганига мақолада «мислсиз ва тарихий» зафар деб баҳо берилди.

Совет космонавтларининг бу муваффақияти, дейилди «Дейли Ньюс» газетасининг редакция мақоласида. «Инсоннинг ўзини ураб турган муҳитдан устун эканлигини намоиш қилиб кўрсатиш янги мисолдир».

ДЕХЛИ, 18 январь. ТАСС мухбири Н. МАРКОВ хабар беради:

Ҳиндистон илмий физик лабораториясининг директори доктор А. Р. Верма бундай деди: «Эндиликда гомт буюм операция — космик кемаларни тутатириш ва космосда махсус станцияни вужудга келтириш амалга оширилган қозирги пайтда совет олимлари бошқа планеталарга парвоз қилиш имкониятини яратиб бердилар, деб ҳисоблаймиз».

«Бу — фан ва техниканинг жуда катта муваффақиятидир», — деб таъкидлади доктор Верма. Ҳиндистон миллий фан институтининг президенти профессор Т. Р. Сешадри бундай деди: «Союз-4» ва «Союз-5» кемаларининг тутатирилиши тарихий муваффақият ва йирик ғалабадир».

«Бу — космик фазоси бундан буён ҳам тадқиқ қилиш ва Ойга одамларни қўйиш йўлидаги катта муваффақиятидир», — деб таъкидлади таъкили ҳинд олими Д. С. Нотхари. — Бу анойиб ғалабага мен қойил қолдим».

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ДОРУССАЛОМ. Родезия парламенти мамлакатда эълон қилган фавқулодда ҳолатни яна уч ойгача давом эттиришга бўлди. Солсберидан хабар беришларча, Юстиция министри Десмонд Ларднер-Берк шундай деб айтган.

Родезияда фавқулодда ҳолат биринчи марта 1965 йил ноябрь ойида Родезия ўзини «мустақил» деб эълон қилиш олдидан яорий этилган эди ва

ўша вақтдан бери ҳар уч ойда бир марта мунтазам равишда ҳар хил сабаблар билан фавқулодда ҳолат давом эттирилмоқда.

Матлумки, Родезиянинг ярич ҳукумати бу фавқулодда тadbирдан мамлакатдаги африналик аҳолининг миллий овозлиқ ҳаракатини бостириш учун фойдаланиб келмоқда. (ТАСС).

ВЬЕТНАМ ЮЗАСИДАН 4 ЛАР КЕНГАШИ ОЧИЛДИ

ПАРИЖ, 18 январь. (ТАСС). Бу ерда Вьетнам юзасидан 4-лар кенгаши ўз ишнин бошлади. Кенгаш ишида Вьетнам

Демократик Республикаси, Жакубий Вьетнам Миллий овозлиқ фронти АҚШ ва Сайгон маъмурияти делегациялари қатнашмоқда.


ЯНГИ ҲУКУМАТ МАЖЛИСИ

БАЙРУТ. Парламент демократик фронтининг раҳбари Рашид Караме тузган янги Ливан ҳукумати ўзининг биринчи мажлисини ўтказди. Республика президенти Шарль Хелу мажлисни очиб бундай деди: Ливан ўз ресурсларидан максимал даражада фойдаланиши, шунингдек ўз чегараларининг хавфсизлигини таъминлаш ва миллий суверенитетини ҳимоя

қилиш ишида қардош араб мамлакатлари билан муштаҳам ҳамкорликка суяниб иш қилиш керак. Таъқи сиёсат соҳасида биз ўзининг бутун куч-ғайратини дўст давлатлар билан алоқаларимизни кучайтиришга сафарбар қилмоғимиз лозим. Бу ҳеч шубҳасиз Ливаннинг ва бошқа араб мамлакатларининг мафратларига хизмат қилади. (ТАСС).

ЭФИОПИЯ. Аддис-Абебадаги шаҳар муниципалитетининг янги биноси.

В. Матвеев фотоси. (ТАСС).



Редактор А. ИСМОИЛОВ.